
"Баркамол авлод" болалар марказида "Очиқ эшиклар куни" ташкилланди

Бағдод туманидаги "Баркамол авлод" болалар мактаби 2 минг 240 нафар ўғил-қизни қамраб олган. Улар турли муҳандислик, дастурлаш, санъат ҳамда хорижий тилларни ўрганиш тўғаракларида ўз билим ва иқтидорларини ошириб келмоқдалар. Куни кеча ушбу масканда Ватанимиз мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан "Очиқ эшиклар куни" ўтказилди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси раҳбари Ислонжон Аҳмедов, туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи ўринбосари Элмирахон Исабоева, яқин ҳудудлардаги таълим муассасалари директорлари ҳамда ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда энг улуғ ва энг азиз неъмат - мустақиллик тараннум этилган куй-қўшиқлар янгради, шеърлар ва қизиқарли саҳна кўринишлари ижро қилинди. Айниқса, рақс тўгараги аъзоларининг бадий чизишлари барчага манзур бўлди.

Тадбирдан сўнг иштирокчилар мактабнинг мунчоқли безак, бичиш-тикиш, пазандачилик, дўппидўзлик, зардўзлик, оила ҳамширалиги, математика, робототехника, шахмат-шашка ва кураш тўғараклари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-09-14 18:01:30